



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 январ, жума № 11 (1228)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 январ кун Оқсаройда Томас Дэйл раҳбарлигидаги бир гуруҳ АҚШ сенаторларини қабул қилди.

Биз АҚШдаги воқеаларни, Ҳақиқатан ҳам, сентябр жоже-халқаро аксилтеррор операцияси-асидан кейин АҚШ халқи янада сини диққат билан кузатиб бормоқдамиз. 11 сентябр кун руй берган муҳдиш воқеадан кейин жуда катта ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Америкаликларнинг иро-даси ҳаммага ўрнатилди, - деди Ислам Каримов учрашувда.



Бушга мамлакат ташқарисиди курулли кучларни ишга солиш ваколатини берадиган резолюцияни қабул қилди. Кишлоқ хўжалиги, молия, қондалар ва маъмурий масалалар бўйича кўмиталар аъзоси бўлган Томас Дэйл 2001 йилнинг июнидан буён Сенатдаги демократларга етакчилик қилади. АҚШ қонун чиқарувчи олий органининг қондаларига биноан, демократлар кўпчиликини ташкил қилгани унга Конгресснинг юкори пала-тасига раҳбарлик қилиш ҳуқуқини беради. Учрашувда меҳмон халқаро террорчиликка қарши курашда АҚШни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Мулоқот чоғида икки томонла-ма ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболга оид масала-лар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА).

Мельбурнда бўлиб ўтаётган Австралия очик чемпионатида ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова муваффақиятли қатнашмоқда. У турнирнинг

ИРОДА - УЧИНЧИ БОСҚИЧДА

иккинчи даврасида россиялик Светлана Кузнецова билан куч синашди ва 6:4, 6:1 ҳисобида галаба қозонди. Ирода учинчи босқичда италиялик Рита Гранд билан учрашади. Теннисчимиз жуфтлик баҳсларида ҳам мусобақани давом эттирмоқда. У словакиялик Генриетта Нагова билан биргаликда испаниялик Кончита Мартинес ва Магуи Серна жуфтлигига қарши кортга чиқади. (ЎЗА).

ТАШАББУСКОР ГУРУХНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ

Маълумки, икки палатали парламент тузиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколати мuddатини ўзгартириш масалалари бўйича 2002 йил 27 январ кун умумхалқ овоз бериши ўтказилиши муносабати билан мамлакатимизнинг жа-моат ва бошқа ташкилотлари вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳ тузилган эди. Бундай ташаббускор гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам тузилди.

17 январ кун Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда мазкур гуруҳ аъзоларининг, шунингдек минтақавий ташаббускор гуруҳлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик қилиш ва умумхалқ овоз бериши учун қўйилган масалаларни тушунтириш юзасидан қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Минтақалардаги ташаббускор гуруҳлар референдумга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юкори даражада олиб бориш, референдумга доир барча материаллар ва жами ахборотни аҳоли эътиборига етказиш, фуқаролар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун шароит яратиш, референдумга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш жараёнида ошкоралик, очкилик ва қонунчиликини таъминлаш билан боғлиқ ишларга фаол киришганликларини йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Шу мақсадда жамоат бир-лашмалари, етакчи юристлар, сиёсатшунослар ва бошқа мутахассислар жалб этилди. Умумхалқ овоз беришга қўйилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳар бир фуқаронинг онига етказилмоқда. Фуқаролар йиғинларини ўтказишда, маҳаллаларда, қишлоқ аҳоли пунктларида, ҳарбий қисмларда, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларда муҳокамалар ўтказишга ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, маҳаллий ташаббускор гуруҳларнинг фаолиятини кунайтириш, жойларда аҳоли билан янада самаралироқ учрашувлар ташкил этиш, ўтказилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида атрафлича ёритиб бориш масалалари ҳам қўриб чиқилди. Ташаббускор гуруҳларнинг кузатувчилари референдумга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларда фаол қатнашиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Амударё минтақасида жойлашган Хоразм мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб бораётган вилоятларидан биридир. Кейинги йилларда юз берган сув танқислиги ва оғир об-хаво шароитида ҳам фидокорона ишлаётган воҳа меҳнат ахли республика раънақига ўзининг салмоқли улусини кўшмоқда.

УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ ИНСОН

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, доимий фамхўрлик кўрсатиш вазифаси биринчи навбатда касаб уюшмалари зиммасига тушади. Ана шу йўналишда вилоят Кенгаши бир қатор ишларни амалга оширди.

Кейинги йилларда сафларимиз анча ўсди ва сифат жиҳатидан мустаҳкамланди, тегишли битимлар тузишда жамоа шартнома муносабатлари қўлами кенгайди. Бошланғич ташкилотларнинг 1860 таси бевосита ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатапти. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий му-

Сарҳисоб

си катта бўлапти. Бу тизилмаларда 18 мингга яқин касаб уюшма аъзоси яратувчилик меҳнати билан банд.

Орттирилган илгор тажриба ва ташаббуслар кенг оммалаштирилмоқда. Вилоят ва туманларда касаб уюшма фаолларининг ўқувлари ўтказиш одат тусига кирди. Бу ўқув-семинарларда ижтимоий шерикчилик, жамоа шартномалари ва келишувларнинг аҳамияти, меҳнатга ҳақ ўлаш, иш натижалари бўйича рағбатлантириш, иқтисодий ва ижтимоий муҳофаза, меҳнат қонунларига амал қилиш, болзор иқтисодиёти шароитида касаб уюшмалари Ҳаракат дастури, ижтимоий сугурта маблағларидан фойдаланиш хусусида назарий билимлар ва амалий тажрибалар ўрганилмоқда. Меҳнаткашларни иж-

тимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида ўзаро ҳамкорликини мустаҳкамлаш учун вилоят ҳокимлиги ва касаб уюшмалари Кенгаши ўртасида имзоланган жамоа келишувларнинг амалга оширилиши қатъий назоратда турибди. Касаб уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида 1218 та жамоа шартномаси амал қилмоқда.

Уларда акс эттирилган имтиёزلарни бажариш учун яъни, ходимларнинг арзонлаштирилган ва белуф оватланлишлари учун 151 миллион 833 минг, меҳнат таътилига чикувчиларга моддий ёрдам тариқасида 116 миллион 108 минг, меҳнат муҳофазасига 157 миллион 288 минг сўм маблағ харажат қилинди. 2001 — «Оналар ва болалар йили» учун тузилган Давлат дастури муваффақиятли бажарилди. (Давоми 2-бетда)

ДАСТЛАБКИ МАХСУЛОТ

Корхонада ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар пишқириш-пухта, сифати. Бу ерда асосан эраклар, махсус иш оёқ кийимлари билан бирга, болалар ва аёллар учун бежирим ва қулай пойабзаллар тикилади. Янги тармокнинг ишга тушиши натижасида 90 киши иш ўрнига эга бўлди.

Хомашёнинг бир қисми ҳозирча Франциядан, бир қисми мамлакатимиздаги те-рини қайта ишлаш тармокларидан олин-моқда. Хомашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. (ЎЗА).

Ажабтовургина ёниб турган газ киш ойларида баъзан қутилмаганда сўсайиб қолади. Бунинг учун бироз газ етказиб берувчи ташкилотларни айбласа, бошқа бироз газнинг ўзи таги қамайиб кетаяпти, дея изоҳлайди. Аслида-чи?

Тошкент вилояти прокуратура идоралари энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил июл ойидаги қишга тайёргарлик қилиш бўйича қарорининг ижроси юзасидан текшириш ўтказди. Текшириш шуни кўрсатдики, айрим кимсалар газдан ноқонуний йўллар билан фойдаланаётгани, шунингдек, баъзи мутасадди ташкилотларнинг ўз вазифасига совуққон муносабати боис газ таъминотида сўсайиш ҳоллари содир бўлмоқда. Мавсум бошидан буён ўтказилган текширувлардан сўнг айбдорларга нисбатан 17 та жиноий иш кўзгатилиди, 850 киши маъмурий, 220 мансаб-

дор шахс интизомий жа-вобгарликка тортиди. Вилоятда 443 минг 182 та хонадон бўлиб, уларнинг 362 минг 745 таси ёки 81 фоизи газлаштирилган. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси берган маълумотларга қараганда, 2000 йилда «Тошвилоятгаз» ҳамда «Тошгаз» тармокларини орқали 3 миллиард 562 миллион куб метр газ етказиб берилган эди. Бирок «Вилоятгаз» бошқармаси маълумотида 2 миллиард 964,2 миллион куб метр газ истеъмол қилинди, деб қайд этилган. Етказиб берилган ва истеъмол қилинган табиий газ ҳажми ўртасидаги фарқ — 598,4 миллион куб метр газ қаерга «гойиб» бўлди?

Текширишлар «Ўзтрансгаз» газ тақсимлаш станцияларида ҳисоблагичларнинг аниқлик даражаси бир хил эмаслиги, уларнинг аниқ ишлаш қобилияти ҳатто 5 фоизгача пастлигини кўрсатди, - дейди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори, адлия маслаҳатчиси Ш.Аҳмедов. - Боз устига, туман газ тармок-ларида ҳисоблагичлардан умуман фойдаланилма-япти. Туман газ идоралари маъсул ходимларининг ўз вазифасини етарлича бажармаётгани ва ёқилгидан ўзбошимчилик билан фойдаланаётган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрмаётгани сабаб қўллаб хонадонлар ва хўжаликларда табиий газ қонунга хилоф равишда талон-тарож қилинмоқда. Тошкент туманида 36 фуқаро ҳамда 12 ижарачи

табиий газ тармокларига ўзбошимчилик билан ула-ни, иссиқхоналар, тан-дирхоналар ва янги уйлари иситиш мақсадида рўзгорда фойдаланишга мўлжалланган 2 миллион 382,5 куб метр газни талон-тарож қилган ва дав-

латга 17 миллион 14 минг сўм зарар етказган. Жумладан, Мухаммадхон Фозиллов номидаги ширкат хўжалиги ижарачилари У.Шокиров ҳамда М.Юнусов иссиқхонада махсулот етиштириш учун 25 та иситиш қозони, иккита газ плитаси, тўртта газ ўчоғи-ни ҳисоблагичсиз, ўзбошимчилик билан газ тармоғига улаган. Натижада яқин атрафдаги хонадонларнинг газ таъминотига жиддий зарар етиб, 3 миллион 702 минг сўмлик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жаҳон таълим стандартлари талабларига мувофиқ олий маълумотли юкори ма-лакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, қоби-лятли ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида улардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ривожланган мамла-катларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақса-дида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л д и:

1. Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олиш-ларини қўллаб-қувват-лаш «Умид» жамғармаси, Ўзбекистон Республика-си Ташқи ишлар вазир-лиги, Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги, Британия Кенгаши ва Вестминстер универси-тетининг (Буюк Брита-ния) Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисидаги так-лифи қабул қилинсин.

Олий таълим сифати-га қўйиладиган умумий эътироф этилган халқ-ро талабларга, Ўзбеки-стон Республикаси Кадр-лар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадлари ва вазифаларига муво-фиқ «Иқтисодиёт», «Ме-нежмент», «Ахборот те-хнологиялари» ва «Ҳуқуқ» йўналишлари бўйича ба-калаврият ва магистратура тизими бўйича му-тахассислар тайёрлаш Халқаро Вестминстер университетининг асо-сий вазифаси ҳисоблан-син.

Белгилансинки, Халқ-ро Вестминстер уни-верситетини ташкил этиш тўғрисидаги так-лифи қабул қилинсин. Олий таълим сифати-га қўйиладиган умумий эътироф этилган халқ-ро талабларга, Ўзбеки-стон Республикаси Кадр-лар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадлари ва вазифаларига муво-фиқ «Иқтисодиёт», «Ме-нежмент», «Ахборот те-хнологиялари» ва «Ҳуқуқ» йўналишлари бўйича ба-калаврият ва магистратура тизими бўйича му-тахассислар тайёрлаш Халқаро Вестминстер университетининг асо-сий вазифаси ҳисоблан-син.

Белгилансинки, Халқ-ро Вестминстер уни-верситетини ташкил этиш тўғрисидаги так-лифи қабул қилинсин. Олий таълим сифати-га қўйиладиган умумий эътироф этилган халқ-ро талабларга, Ўзбеки-стон Республикаси Кадр-лар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадлари ва вазифаларига муво-фиқ «Иқтисодиёт», «Ме-нежмент», «Ахборот те-хнологиялари» ва «Ҳуқуқ» йўналишлари бўйича ба-калаврият ва магистратура тизими бўйича му-тахассислар тайёрлаш Халқаро Вестминстер университетининг асо-сий вазифаси ҳисоблан-син.

2. Халқаро Вестмин-стер университетини таш-кил этиш бўйича ташки-лий комиссия таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги, «Умид» жамғармаси Вестминстер универси-тети билан келишган ҳолда икки ой мuddатда Халқаро Вестминстер университетини тўғриси-даги Низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгилансинки: университет фаолият-ига ўқув-методик раҳ-барлик Вестминстер уни-верситети /Буюк Брита-ния/ ва Ўзбекистон Рес-публикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги томонидан амалга оширилади;

университетнинг жо-рий фаолиятини маблағ билан таъминлаш, бино-лар ва иншоотларни ре-конструкция қилиш, му-каммал тузатиш, мод-дий-техника ва ўқув-ме-тодик базани жиҳозлаш тўлов-контракт асосида талабалар ўқитилганли-ги учун тушадиган маблағ-лар, чет эл ва миллий ҳомийларнинг маблағла-

ри, «Умид» жамғармаси ва халқаро ташкилот-ларнинг грантлари, хо-рижий инвестициялар, давлат бюджети (етиш-маган қисми) ҳисобига амалга оширилади;

университетда ўқитиш «Умид» жамғар-маси грантлари ва тўлов-контракт асосида кундузги ўқиш шакли бўйича, Вестминстер университетини қабул қилинган таълим стан-дартларига, бакалаврият ва магистратура ўқув режалари ва дастурига мувофиқ ўтказила-ди; университетга абиту-риентларни қабул қилиш Халқаро Вест-минстер университетини тўғрисидаги Низомида белгиланган талабларга муво-фиқ амалга оширилади; университет битирув-чиларини аттестациядан ўтказиш Вестминстер университетини белги-ланган талабларга муво-фиқ амалга оширилади.

Белгилансинки, Халқ-ро Вестминстер уни-верситетини битирувчи-ларига Ўзбекистон Рес-публикасида олий маъл-умот тўғрисидаги ҳуж-жат ҳисобланадиган Вестминстер универси-тетини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом бе-рилади.

5. Халқаро Вестмин-стер университетини Тош-кент шаҳар, Охунбобов кўчаси, 12-уйга жойлаш-тирилсин. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирли-ги Тошкент шаҳар, Охунбобов кўчаси, 12-уйга жойлаш-тирилсин. Тошкент авиа-ция коллежининг биносини бар-ча ўқув ва хўжалик имо-ратлари билан бирга-лиқда Тошкент авиа-ция институти балансида «Умид» жамғармаси ба-лансига текин берсин; Тошкент авиа-ция ин-ститути спорт комплекси негизида Халқаро Вест-минстер университетини талабаларининг жисмо-ий тарбия ва спорт би-лан тўловсиз шуғуллани-ши учун шарт-шароит-лар яратсин.

6. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги; Тошкент авиа-ция коллежи билан бирлашти-ринсин ва Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 331-уйга жойлаштирсин; (Давоми 2-бетда)

ГАЗ ҚАЕРГА КЕТАЛТИ?

латга 17 миллион 14 минг сўм зарар етказган. Жумладан, Мухаммадхон Фозиллов номидаги ширкат хўжалиги ижарачилари У.Шокиров ҳамда М.Юнусов иссиқхонада махсулот етиштириш учун 25 та иситиш қозони, иккита газ плитаси, тўртта газ ўчоғи-ни ҳисоблагичсиз, ўзбошимчилик билан газ тармоғига улаган. Натижада яқин атрафдаги хонадонларнинг газ таъминотига жиддий зарар етиб, 3 миллион 702 минг сўмлик

Хўжасизлик, талон-тарож

туманида иссиқхона, дўкон ва шунга ўхшаш объект-ларни ўзбошимчилик билан иситиш натижасида 171,6 минг куб метр, Зан-гиота туманида 657,3 минг куб метр, Янгийўл тумани-да 154,2 минг куб метр газдан ноқонуний фойда-ланилган ва давлатга кат-та микдорда зарар келти-рилган. Текшириш якуна-рига қура, биргина Занги-ота туман прокуратураси табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари юзасидан 166 та маъму-рий, 8 та интизомий, 17 тўртта жиноий иши кўзга-ган.

Табиий газ танқисли-гига асосан одамларнинг эътиборсизлиги, газдан оқилона фойдаланмаслик сабаб бўлмоқда, - дейди Ш.Аҳмедов. - Вилоят аҳолиси метьёрга мувофиқ илди давонида 1 миллиард 564 миллион куб метр газ истеъмол қилиши керак эди. Афсуски, амалда бу курсаткич 1 миллиард 778 минг куб метрни ёки 113,7

Н.ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

Тошкент давлат авиация институтининг фуқаро авиацияси факультети Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уйдаги бинога жойлаштирилишини таъминласин, ушбу мақсадлар учун бино ва иншоотларни «Ўзпўлатқурилишконструкция» очик акциядорлик жамияти балансидан институт балансига текин берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

«Ўзимёфарм» очик акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳар, Янги замон кўчаси, 1а-уйда жойлашган ётоқхона биносини «Ўзимёфарм» очик акциядорлик жамияти балансидан Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш учун текин берсин;

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 331-уйда жойлашган ётоқхона биносини атрофдаги ҳўжалик блоки билан биргаликда «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

8. «Умид» жамғармаси: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Вестминстер университетини ташкил этиш учун текин берсин;

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

ланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда берилган биринчи ва иккинчи раунднинг режиссура қилган ва мукамал таъмирлаган, зарур ўқув-лаборатория ажонлари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаган ҳолда Халқаро Вестминстер университетини комплекси 2002 йил 1 сентябргача ишга туширилишини таъминласин;

Ўзбекистоннинг олий таълим ва илмий муассасалари юқори малакали мутахассислари ва ўқитувчиларини танлов асосида танлаб олинсин ва уларнинг таърибга ортиришини ташкил этсин, кейинчалик уларни Халқаро Вестминстер университетини ишга жалб этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этсин;

«Умид» жамғармаси билан биргаликда Халқаро Вестминстер университетини 2002/2003 ўқув йили бошлангунча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази балансига текин берсин.

10. Халқаро Вестминстер университетига юқланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Университет 5 йил мuddатда солиқларнинг барча турларидан ва боғжона тўловларидан (боғжона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), шу жумладан:

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
 Тошкент шаҳри,
 2002 йил 16 январ

дан ўз эҳтиёжлари учун асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва инвентарлар келтиришда истисно тарикасида озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро Вестминстер университетининг буюртманомаларига биноан, таълим жараёнида қатнашувчи хорижий ўқитувчиларга келиш визаларини консуллик йиғимлари ундирмасдан беришни таъминласин.


12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро Вестминстер университетини буюртманомаларига биноан таълим жараёнида қатнашувчи хорижий ўқитувчилар учун кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг мuddати узайтирилишини, вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мuddати узайтирилишини давлат божи тўловисиз таъминласин.

13. Халқаро Вестминстер университетига ўқитиш ва илмий ишлар учун таклиф этилган хорижий профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшashi ва транспорт харажатлари учун тўловни миллий валютада, Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширишга рuxсат этилсин.

14. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Халқаро Вестминстер университетини белгиланган тартибда зарур телефон ва телекоммуникация алоқаси турлари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

15. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Қароматов зиммасига юқлансин.

И.КАРИМОВ



Бухорода юрт раванқига раванқ қўшаётган қўшма корхоналар ҳақида гап кетгудек бўлса, кўпчилик бехиётёр «Қоракўлтэк» жамоасини тилга олади. Негаки, ўтган қисқа фурсатда корхона нафақат мамлакат ичкарисидан, балки хориждаги ишончли ҳамкорларнинг ҳам эътиборини қозонди. Ҳадемай, корхона йилига 3800 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бултўр йилнинг биринчи ярмида 1460 тонна тайёр маҳсулот истеъмолчиларга сотилди. Унинг 1399 тоннаси ички, қолган 95 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ташқи бозорга сотилди. Бугун «Қоракўлтэк» тамгаси билан ишлаб чиқарилаётган калава илга буюртма берувчилар рўйхатига Россия, Венгрия, Италия, Корея сингари ривожланган давлатлар бор.

— Ютқуларимиз омили хусусида гапирганда, — дейди пешқадим ишчилардан бири Нурзиёда Хафизова (чапдаги сурат), — энг аввало маъмурият ва касба

юшма кўмитасининг ташкилотчилигини алоҳида эътироф этишни истардим. Ахир, ташкилотчилик бор жойда ишда силжиш, ривожланиш бўлади-да.

Ҳа, унинг гапида жон бор. Янги йил арафасида раҳбариятнинг сый-ҳаракати билан жамоа аъзолари учун ажойиб байрам дастурхони ёзилди. Маъмурият ва касабқўм томонидан ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларига 1 миллион сўмлик Янги йил соғвоналари улашилди. Яқинда эса қарияларни қадрлаш тадбири ўтказилди. Бундан ташқари, илгорларни рағбатлантириш масаласи кун тартибидан тушмаётир. Ишчи-хизматчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Улар ишга келиш ва қайтиш ташвишини қилмайдилар. Чунки махсус автобуслар хизматда.

Ўнгдаги суратда корхона фахрига айланган ходимлардан бири — оператор Қўндуз Қўрбонова.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ҒИЖДУВОН ПОЙАБЗАЛИ

«Нақшбандий» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Ғиждувондаги пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси ўтган йили 71 миллион сўм ўрнига 81 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

— Биз омбор учун эмас, балки бозор учун ишлаяпмиз, — деди корхона раҳбари Сулаймон Турдиев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳозир корхонада 3 та йирки цех мавжуд бўлиб, 82 нафар ишчи фаолият кўрсатаётти. Бугунги кунда замон ва аҳоли талаблари, эҳтиёжларини қондирадиган 12 турдаги сифатли пойабзалларни ишлаб чиқараёпмиз.

Корхона раҳбари жорий йилда қўшма иккита цех очиб мўлжалланганга айтиди. Бу режа тезроқ амалга ошса, 30 киши иш билан таъминланади.

Касаба уюшмалари: бугун у қандай бўлиши керак?

Жамоа юқсалишига эришиш учун ходимларда кўтаринки кайфият, ишчанлик бўлиши шарт. Бунга қандай эришиш мумкин? «Сирдарёэлектр-тармоқлари» шўба корхонаси бу борада янгиликка қўл урди.

Меҳнат муҳофазасини таъминлаш, хавфсиз иш ўрни яратиш бошқарув омилкорлигига боғлиқ. Ташаббус, изланиш, ишчи тақдирига масъуллик қарор топмас экан жамоага ютқ ҳам бегона. Сирдарёлик нурчилар бу қусурлардан алақачон қутилишган. Уларга камчиликлар таҳлили, ундан ҳулоса чиқара биллишлик фойда берди. Бу соҳа ходимлари эҳтиёсизлик, хавфсизлик чораларини нутишга сира ҳаққи йўқ. Бу маромни сақлаш учун нурчи уйдан, оиласидан, қолаверса, жамоасидан муҳитдан хотиржам бўлиши даркор.

Сир эмас, бахтсиз тасодифлар нурчилар багирини тилган пайтлар ҳам бўлган. Бундан анча йил илгари ходимлардан бири ток уриши сабаб ҳаётдан бевақт кўз юмган. Бу фожеа сабоқ вазифасини ўтади. Маъмурият ҳам, касаба уюшма ташкилоти ҳам кўнгилсизлик тақдорларини ўқиб-ўрганиши таъминланди. Ишчи кайфиятига қараб масъул ишчи бажаришга йўналтириш жорий этилди. Меҳнат муҳофазаси учун етарли маблағ ажратили, уни мақсадли сарфлаш йўлга қўйилди. Бу эса ўз самарасини бермасдан қолмади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ тасо-

ИШЧАНЛИК КАЙФИЯТИ
унга эришиш омиллари

дифларга чек қўйилди. Касаба уюшма ташкилоти ва маъмуриятнинг яқдил фикри, меҳнат шартномаси бандларининг тўлиқ бажарилишини таъминлашга интилиш ютуқлар омили бўлапти.

— Меҳнат муҳофазасига қаратилган барча талаблар, таклифлар корхона раҳбарлари томонидан сўзсиз бажарилиши имкониятларимизни кенгайттирмақда, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Шербўта Тожиёв. — Баъзи жамоалардаги сингари касаба уюшмага нописанд муносабат, унинг фаолиятига тўсқинлик каби иллатлар бизга бегона. Мақташ эмас меҳнат муҳофазаси, ишчиларга шарт-шароит яратиш борасида корхона раҳбари Абдуманноп Қўчқоровнинг ўзлари энг шимариб ишга киришиб кетадилар. Жамоа маънафини ифодаловчи ҳар қандай ташаббус қўллаб-қувватланиб, ижросини топапти.

Корхона тизимида 13 та шахар ва туман электр тармоқлари бўлимлари мавжуд. Нурчиларга яратилган шароит билан танишиш мақсадида Мирзаобод электр тармоқлари корхонасида бўлди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ тасо-

куршовида фаввора олиб турибди. Сўлим хиёбондаги дам олиш ўриндикларида бир зум тин олиш, чарқоқларни чиқаришга шароит бор. Тунги навбатчиликда турувчилар учун дам олиш, ювиниш хоналари, тамаддихона барпо этилган.

— Корхона иккинчи уйимизга айланган, — дейди корхона ходими Абдухўшим Алимов. — Маош ва мукофотларни узлуқсиз олиб турибмиз. Жамоадаги аҳиллик муаммоларни ҳал этишда қўл келмоқда.

Таъкидлаш жоиз, корхонада қўшимча даромад манбаларини излаб топилган, ундан қўрилган фойдани ижтимоий муҳофазатга йўналтириш чоралари кўрилган. Ўтган йили 4 миллион 250 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Мўҳим жиҳати бу маҳсулотлар корхона ходимларига ўттиз фоиз арзонлаштирилган нархда берилди. Бу ҳам ижтимоий муҳофазатнинг бир тури. Нурчилар керакли жиҳозни излаб овороан сарсон бўлишдан, вақт йўқотишдан қутилишган ҳисоб.

Нурчилар саломатлигини муҳофазалаш, уларга маиший хизмат кўрсатиш

юзасидан тегишли чоратadbirlar кўрилган. Ходим вақтини тежаш мақсадида бир неча саргарошхона, пойабзал таъмирлаш устаноналари ишга туширилди. Эндиликда ишчи-хизматчилар корхонанинг ўзидан саломатлигини назоратдан ўтказиш, муолажа олиш имкони яратиб берилди. «Иссиқ жон иситмасиз бўлмас», деганларидек, кимнингдир тоби қочади, кимдир арзимас дори-дармонга муҳтожлик сезади. Ана шу майда-чуйдаларга қанча вақт сарфланади. Вақт эса иш, маҳсулот дегани. Тежамкорлик ҳаммаша фойда келтирган. Бу ҳақда ҳам узок бош қотирилди. Чўт қокилди. Ниҳоят, корхона физиотерапия бўлими, муолажа хонаси, тиш даволаш шифокори фаолият юрита бошлади. Энди нурчилар шифокор қабулига навбат қутишдан, маслаҳат олишдан, муолажа учун вақт йўқотишдан қутилишди.

Кўриниб турибдики, нурчилар касаба уюшма кўмитасида ҳаловат йўқ. Бу ерда етакчи Шербўта Тожиёвнинг ҳар кунги эслашади. Ҳузурига шошилишади. Маслаҳат, таклиф, талаб ҳам кўп. Буларнинг бари касаба уюшмасини изланишга, одамлар дарди билан қуйиб-пишишга ундайди. Етакчининг сўзларига қулоқ тутсангиз эртанги режа, қилб улгурилмаган ишлар бисёр эканини англайсиз. Ҳаётнинг асл маъносини ҳам шу эмасми?!

Н. ШАМСИЕВ,
 «Ишонч» мухбири.

РАҚОБАТ СИФАТНИ ОШИРАДИ

Оққўрғон туманида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатиш ҳам шаклланиб бормоқда. Ўтган йил бу ерда ўн миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу рақам бир ярим бараварга кўпайиши кутилмоқда.

Тиббиётни аралаш молиялаштиришдан асосий мақсад рақобатни кучайтириш йўли билан хизмат сифатини тубдан яхшилашдан иборат, — дейди туман марказий касалхонаси бош шифокори ўринбосари Р.Ҳодиев. — Айни кунларда тиббий куриклар, қатор физиотерапевтик муолажалар пулли бўлгани боис ўзига хос рақобат муҳити шаклланимоқда, шунга яраша тиббий хизмат сифати ҳам ошмоқда.

Аҳолига бепул тиббий хизмат кафолатлаб қўйилган. Бу борада марказий касалхона қошидаги Шошилиш тиббий ёрдам бўлими самарали фаолият юритмоқда. Туман марказий поликлиникаси янги бинога кўчирилган, бу ерда тиббий хизматнинг деярли барча мутахассисликлари бўйича аҳоли тиббий куриклардан ўтказилди. Яқинда бошлаб ўсирилган гинекологияси, ўсимирлар психиатри, ўсимирлар наркологи, болалар эндокринологи бўлимлари ҳам иш бошлади.

Ўтган йили «Маданият» ширкат хўжалиги ҳудудида навбатдаги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилган эди. Ҳозир туманда бундай шифо масканлари сонини еттигача өтди.

(ЎЗА).

ПОЙТАХТГА САЁХАТ

Сариосий туманидаги кўзи оғирлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси йилни самарали яқунлади. Улар буюртмачиларга кўзланган халқ истеъмоли маҳсулотлари етказиб беришиб, эвазига мўмай даромад қилишди.

Корхона шу даромад ҳисобидан ишлаб чиқаришда алоҳида ўрнат кўрсатган 40 нафар ишчиларни Тошкент шаҳ-

рига юборди. Саёхатчилар бир ҳафта мобайнида пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари, санъат ва маданият масканларида бўлишиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришди.

Саёхатдан қайтган ишчилар ишни бошлашдан олдин корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасига самимий миннатдорчилик билдиришди.

«Туркистон-пресс»

ФАХРИЙЛАРГА ТУҲФА

Қува туманида Муса-жон Шербўтаев номидаги «Меҳр-муруват» маркази иш бошлади.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан фахрийларга туҳфа қилинган муҳташам мар-

казда нуронийларнинг кўнгилли дам олишлари, ўз саломатликларини тиклаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, бир пибла чой устида дилдан сўхбат қуришлари учун барча шароит муҳайё қилинган.

(ЎЗА).

Марказ имкониятларидан эндиликда туманда истиқомат қилаётган 14 мингга яқин меҳнат фахрийлари ва 300 га яқин уруш қатнашчилари баҳраманд бўлишади.

(ЎЗА).

(Боши 1-бетда)

Жамоа шартномаларига ҳомилдор аёлларни 5-6 ойдан туғиш таътилига чиқариш, шифоҳоналарда даволанаётганларга дори-дармон, озиқ-овқат учун маблағ ажратиш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мактаб анжомлари харид қилиб бериш, 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бўлган аёлларга қўшимча нафақа тўлаш каби имтиёзлар киритилди. Масалан, 3 ёшгача боласи бор оналарга катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди ва 219 ташкилотда ишлаётган 4082 нафар аёлга қисқартирилган иш вақтлари жорий этилди.

Ҳар йилнинг январ ойида «Муруват ўн кунлиги» ўтказилади. Бундай хайрли тадбирлар учун касаба уюшма маблағларидан 11 миллион сўмликча яқин маблағ сарф этилди.

2002 — «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши биринчи навбатда касаба уюшма ташкилотлари зим-

масига катта масъулият юқлади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 7725 нафар ёлғиз қария хўжаликлар ҳисобидан 33 миллион 532 минг сўмлик, 2065 нафар кекса касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 3 миллион 197 минг

сўмлик моддий ёрдам билан қўллаб-қувватланди. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалаш, зарур шарт-шароитлар яратиш бериш эътиборимизда турибди. Тармоқ кўмиталари билан қўшиб ҳисоблаганда ўтган йили 1104 фуқаро орзак, 1912 нафари ёзма равишда муурожаат қилди. Улардан 433 таси меҳнат муносабатларига тааллуқли бўлиб белгиланган мuddатларда ижобий ҳал этилди. Урганч шаҳар ва Хива туманларо прокуратуралари билан ҳамкорликда вояга етмаган болаларнинг меҳнати-

ни муҳофаза қилишининг аҳоли ўрганилди, қонунчи бузган раҳбарларга тегишли чоралар кўрилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билим даражасини ошириш мақсадида шаҳар ва туманлардаги меҳнат жамоаларида «Биз конституцияни қандай биламиз», «Конституция — Асосий қонунимиз», «Авесто» тўғрисида сўхбатлар мавзуйда мулоқотлар уюштирилганлиги яқини самар берди.

Вилоят хотин-қизлар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмиталари билан ҳамкорликда ўтказилган «Аёл — жамият ва касаба уюшмалари» илмий-амалий конференцияси, айниқса, қизиқарли бўлди.

Меҳнатни муҳофазалаш бўйича 107 та ташкилот фаолияти ўрганилди, 11 мингга яқин камчиликлар аниқланди. Ишлаб чиқ-

ришда тан жароҳати олган, ногирон бўлиб қолган ва боқувчисини йўқотган оилаларга амалий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари талаби ва бевосита аралашуви билан хўжалик органларидан 2 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан, республикамиз санаторий-профилакторийларида 3000 нафарга яқин киши соғломлаштирилди. Шундан 1200 нафари хотин-қизлардир. Оромгоҳларда 15438 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқарди ва бунинг учун катта маблағ сарфланди. Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг сўлим гўшаларида 5075 нафар хоразмлик болалар ўз соғлиқларини мустаҳкамладилар. Вилоятнинг Хонқа туманида лойиҳа қуввати 897 миллион сўмлик 125 ўрилли «Она ва бола» санаторийси бунёд этилди.

Марат ЮСУПОВ,
 Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси,

Маълумки, ишлаб чиқариш мавжуд экан, демак, унинг ўзига хос чиқиндилари ҳам бўлади. Улар атроф-муҳитни ифлослантириши табиий, албатта.

Полимер моддалари — плёнка, пластмасса эса йилларда ҳам чиримайди. Уларнинг фақат қайта ишлаб чиқариш экологик мувозанатни сақлаб қолиш мумкин. «Втор-

ма» хусусий корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти айни ана шу мақсадга қаратилган.

Қарийб 15 йил муқаддам ширкат (кооператив) шаклида ташкил этилган бу корхона чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида қалдирғоч бўлиб, ҳозирга қадар вилоятда ягонадир. 80-йилларда полициклик, сабазвотчиликка ихтисослашган хўжаликларда экинни эрта баҳорда плёнка остига экиш кенг қўлланилди. Бу плёнкадан фақат бир марта фойдаланилади, йнгиб олинган, қайта ишлаш учун Россияга жўнатилади. Чиқиндиларни қайта ишлаш, иккиламчи хошаёндан арзон маҳсулот ишлаб чиқариш гоёси Баҳодир Ниёзовда ўша вақтда пайдо бўлган. У тегишли ташкилотлардан рuxсат олган, собиқ Ленинграддан 2 нафар мутахассис олиб келди. Самарқанд лифтозлик заводида зарур ускуналар тайёрланди. Бунга деярли икки йил вақт сарфланди. Хуллас, ишлар юришиб кетди.

Корхонамиз маҳсулотининг экологик аҳамияти катта. Шу боис қийинчиликларга қарамай, ишлаб чиқариш қувватларини пасайтирмастик чораларини кўряпти, — дейди «Вторма»нинг раҳбари. — Йилига 15-20 тонна полимер чи-

қиндилар қайта ишланмоқда. Бу юмушнинг 23 кишидан иборат жамоа уудалламоқда.

Хомашёнинг 60-70 фоизи аҳолидан йиғиб олинади. Бунинг учун шаҳарда поли-

мер, целлофан чиқиндилари қабул қилиш пунктлари очилган. Қолган қисми санат корхоналаридан олинади. Баҳодир ака айтганидек, корхонанинг фаолияти билан хорижликлар ҳам қизиқишмоқда. Аммо улар билан тенг ҳамкорлик қилишга имкон йўқ. Агар уларга вилоят экология ва табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, тадбиркорлар палатаси амалий ёрдам беришса, айни мuddадо бўларди.

—

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

Ургут шахрига кираверишдаги мўъжас: на бинода «Шифо» хусусий шифохонаси жойлашганини эндиликда кўпчилик билади. Унинг бош ҳақими ва ташкилatchиси Ражаб Одилов игна билан даволаш усулини амалиётда кенг қўлламоқда. Тажрибали шифокор даволаш кийин ҳисобланган касалликларнинг чорасини топишга интиломда.

УРГУТДАГИ ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

— Бир неча ой илгари инсулт хуруж қилди, — дейди оқдарёлик Ойширин Исоева. — Анча даволандим. Нафи кам бўлди. Бу ерга беш кун илгари келдим. Учинчи кун икк қўл-оёқларим ҳаракатга келди. Ҳозир ҳасса таяниб юраёман. Шифохонанинг миннатдорчилиқ дафтаридаги битиклар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Унда яккабоғлик И.Эшмуродов, китоблик С.Шойматов, ургутлик Б.Шариповларнинг қувониб, севинч билан ёзган дил сўзлари бор.

Курилиш ташкилотига тегишли бинони олиб иш бошлаган Р.Одилов ўтган бир йил давомида беморлар учун янги шифохона биносини бунёд этди. Шароитин анча яхшилади. — Туман шифохонасининг травматология бўлимида ишлардим. Уша пайтларда бўғимлардаги жароҳатларни дори-дармон билан эмас, балки игна

билан оғриқсизлантириш усулини қўллаб бошладим, — дейди моҳир шифокор. — Шу тариқа даволашни чуқур ўргандим. Маълумки, бундай даволашнинг Хитой, Вьетнам усуллари мавжуд. Бизнинг усул тубдан фарқ қилади. Фақат битта шарт бор. Ижобий натижага эришиш учун бемор шифокорнинг тавсияларини сабр-тоқат билан аниқ бажариши керак.

Маълум бўлишича, Р.Одиловнинг даволаш тажрибасига хорижий мутахассислар ҳам қизиқишган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси компьютерли рефлексотерапия ускунасини тавсия этиб, ҳамкорликни тақлиф этган. Аммо, бунга ҳали бироз вақт бор. Лекин, нима бўлганда ҳам янгиликка интилиш, ташаббускорлик мақтовга лойиқдир.

С.РУСТАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — МАРД ЎҒЛОНЛАР ВАТАНИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ташаббусларни илгари сурмоқда. Ватанимиз сарҳадларини кўриқлаб, ўз йигитлик бурчини сидқидилдан ўтаётган аскарларимиз хузуридан маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, байрамлар арафасида турли совға-саломлар ҳақда бўлишга доимо тайёр. Вилоят қилиш ана шундай ташаббус-

ларнинг биридир. Хусусан, Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси кун-кеча чегарачилар учун «Ўзбекистон — мارد ўғлонлар Ватани» деб номланган яна бир маданий-маърифий тадбир уюштирди. — Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан ўтаётган йигитларимиз мамлакатимиз фахри ва ғуруридир, — деди вилоят тармоқ қўмитаси раиси Мавжуда Халилова. — Касаба уюшмалари уларга мададор қўмитамиз томонидан мазкур че-

гарачилар ҳарбий қисми 2002 йил учун «Ишонч» ва «Ишонч - Доверие» газеталарида обуна қилинди. Чегарачиларга мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид плакатлар, Президентимиз асарлари, турли бадиий адабиётлар топширилди. Тадбир сўнгида хушовоз хонандаю созандалар ижросидаги катта концерт дастури намойиш этилди. Аскарларимиз Она Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашларини билдирдилар.

Хилола ХАКИМОВА.

Андижонда «Умид ниҳоллари» ўйинларининг вилоят босқичи якунланди. 5-7 ва 8-11-синф ўқувчиларидан иборат жамоалар спортнинг 11 та тури бўйича бахслашди.

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ


— Жалолқудук тумани баскетбол жамоаси мазкур ўйинларнинг кашфиётига айланди, — деди «Ёшлик» спорт жамияти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Л.Мамажонов. — Бу жамоа биринчи ўринни эгаллади. Бу муваффақиятда 3-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқувчиларининг хизмати катта. Спортнинг бошқа турларида голиблик турнир пешқадамларига nasib этди. Энг кўп совринли ўринларни вилоят маркази ўқувчилари қўлга киритди. Футбол, энгил атлетика, теннисда уларга тенг келадиганлар топилмади. Жамоалар кўрсатган натижаларга кўра апрел ойида ўтказилиши режалаштирилётган республика ўйинларида иштирок этадиган вилоят жамоаси ташкил этилди.

«БЕГОЙИМ»

Наманганда шу номда газета чоп этила бошланди

Давр мамлакатимиз хотин-қизларининг ишбилармонлик ва тадбиркорлик фазилатлари рўёбга чиқиши учун катта имконият яратмоқда. Бугунги кунда биргина Наманган вилоятида ўнлаб аёллар тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқда. Хўш, уларнинг бу борадаги тажрибаларини қай тариқа оммалаштириш

мумкин? «Бегойим» вилоят газетаси ҳудди ана шу мақсадга хизмат қилади. Тадбиркор ва ишбилармон аёллар наشري ҳисобланган ушбу газетанинг биринчи сони илиқ қарши олинди. Унда хотин-қизлар эътиборини тортадиган қизиқарли мақолалар ўрин олган. О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



УЛУҒБЕКНИНГ СОВҒАСИ

Ўтган мавсум давомида Россия биринчилигида ЦСКА ва «Торпедо-ЗИЛ» жамоаларида тўп сурган Улуғбек Бақоев футболга ошно тутилган минглаб бухорлик болаларнинг фахри ҳисобланади.

Яқинда терма жамоамизнинг умидли ҳужумчиси Бухоро вилоят олимпия захиралари спорт-интернатида футбол сир-асрорларини ўрганаётган ёш футболчилар билан учрашди. Иқтидорли тўпурар укалари олдига қуруқ қўл билан келмади. Улуғбек 120 нафар ёш футболчининг ҳар бирига спорт пойафзали совға қилди.

Ишончимиз комилки, келажақда интернатда таълим олаётган бу болалар орасидан ҳам ўзлари ҳавас қилган Улуғбек Бақоевдек моҳир футболчилар етишиб чиқади. Ушундан улар бир вақтлар машҳур чарм тўп устаси ҳақда этган бундаси тўп тегганини, у билан ҳамсуҳбат бўлганини, албатта, ифтихор билан тилга олади.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Навоий вилояти Навбахор туманидаги Фирдавсий номи мактабда каратэ бўйича республика ҳудудий очик турнири бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Самарқанд ҳамда Навоий вилоятидан 40 нафар каратэчи иштирок этди.

Қизгин ўтган беллашувларда 45 ва 60 килограмм вазн тоифасида Навбахор тумани «Самурай» клуби спортчилари Баҳриддин Чориев ва Фахриддин Турсунов, 55 килограмм вазнда Ургут тумани «Ургут» каратэ клуби аъзоси Сардор Мардонов биринчи ўринни эгаллади. Голибларга эсдалик совғалари топширилди. (ЎзА).



Янгиер шахридаги 6-умумтаълим мактаби шахардаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Замоनावий ўқув жиҳозлари билан таъминланган ушбу мактабда 473 ўғил-қиз таълим олмақда.

Ҳар йили республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида ушбу мактаб ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллаб келишади. Шунингдек, бошланғич синфларда Президент парталари ташкил этилган. Унда мактабнинг энг аълочи, изланувчан ва намунали хулқ эгаси бўлган ўқувчилари ўтиради.

Суратда: 3-синф аълочи ўқувчилари К.Таниқулов ва Т.Хайруллаева. Б.ТўРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, етуқ кишиларга тарбиялашда таълим тизимида янги давлат стандартларининг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Қумқўрган туман халқ таълими бўлимида иборатли ишлар амалга оширилди. Айни кунда тумандаги 66 та умумтаълим мактабларидаги 40 минг 271 нафар ўқувчи 2817 нафар ўқитувчи илм-фан сирларини пухта ўргатмоқда.

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг амалиётга изчил татбиқ этилиши ўқувчи ёшларни жисмонан баркамол, билимли бўлиб вояга етишларида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудирини муовини Абдурасул Эсонов. — Хусусан, ўтган йили республика миқёсида ўтказилган тадбирларда, мусобақаларда ёшларнинг фаол иштирок этиб, катта муваффақиятларга эришдилар. Кези келганда, халқ таълими бўлимининг компьютер ва давлат таълим стан-

да. Бу эса ўқувчиларнинг билим даражасини оширишда алоҳида аҳамият касб этаётди. Ўқувчилардан олинган тест синовлари ва ёзма ишлар натижаларида бу ҳақиқат ўз аксини топмоқда.

Туман халқ таълими бўлими билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар ҳам ютуқлар гарови бўлмоқда. Кам таъминланган ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда ёрдамга муҳтож оила фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришда касаба уюшмаларининг хизмати катта бўлмоқда. Кейинги уч ойда кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож мураббийлар учун 1 миллиондан ортиқ моддий ёрдам уюштирилгани фикримизнинг исботидир. Қумқўрган тумани халқ таълими фидойилари бугун куйидаги шпор остида меҳнат қилмоқдалар: ёш авлод биздан кўра кучли, билимли ва албатта, бахтли бўлиши шарт.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

ИЛҒОР ПЕДАГОГЛАР УЮШМАСИ

Бундан ташқари, ўтказиладиган оммавий тадбирларда 2-мактаб ўқувчилари «Яшил чироқ» республика танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 3-мактаб ёшлари эса «Қувноқ» вилоят босқичида биринчиликни қўлга киритдилар. Айни кунда ёшларимиз республика босқичида ўтадиган мусобақаларга тайёргарлик кўришмоқда. Туманда «Олимпиада умидлари» спорт мусобақалари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Маълумки, 2002 йил 8 февралдан 24 февралгача АКШнинг Солт Лейт Сити шахрида XIX кишичи олимпиада бахслари бўлиб ўтади. Мусобақалар етти асосий кишичи спорт турлари — чангида учиб, конькида учиб, биатлон, библией, чана спорти, хоккей ва кэрлинг асосида жамланган 79 та тури бўйича ўтказилади. Масалан, конькида югуришининг ўзи ўн хил бахсни қамраб олса, тоғ чангисида ҳам спортчилар ўн хил тури бўйича беллашадилар. Кэрлинг, скелетон, снубборд ва шимоллий иккикурашнинг нисбатан янгилик сифатида тилга олишимиз мумкин.

Кишичи олимпиадада 70 та мамлакат спортчилари беллашуви кутилмоқда. Шунинг қувонч билан таъкидлаш ўринлики, юртимиз кишичи спорт вакиллари ҳам ушбу улкан умумжаҳон ўйинларига қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Республика Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон спортчиларининг кишичи олимпиадага тайёргарликлари, шу йили Жанубий Кореянинг Пусан шахрида ўтказиладиган Осиё ўйинлари ва Москвада ташкил этиладиган II Бутунжаҳон ёшлар ўйинларида республикамиз иштироки, шунингдек, Миллий

жамоа сифатида Норвегиянинг Лиллехаммер шахрида ўтказилган XVII кишичи олимпиада ўйинларида икки дастур — фристайл ва фигурали учиб бўйича иштирок этганди. Бундан маҳоратли фристайлчи миз Лина Черязова жуда юксак маҳорат

Бу гал Солт Лейт Ситидаги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини олти нафар ҳамюртимиз қўлга киритди — аёллар ўртасида яқка тартибдаги фигурали учибда кишичи Осиё ўйинлари голиби Татьяна Малинина, эркеклар ўртасида яқка тар-

маҳоратларини кўрсатишади. Икки нафар қатнашчимиз эса тоғ чангичиларидир. Халқаро мусобақа голиблари бўлган Комил Ўринбоев, Элмира Урумбоевалардан умидимиз катта.

Фигурали учиб бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Евгений Рохиннинг таъкидлашича, спортчиларимизга АКШда беллашувларга тайёргарлик кўриш учун яқши шарт-шароитлар яратилган. Улар 21-27 январ кунлари Жанубий Кореяда бўладиган нуфузли тўрт китба мусобақаларда қатнашишади.

Тоғ чангичиларимиз эса олимпиадага Чимён тоғ тизмаларида тайёргарлик кўришмоқда. Шундан сўнг июн ойида Москвада бўладиган II Бутунжаҳон ёшлар спорт ўйинлари ва сентябр-октябр ойларида Жанубий Кореянинг Пусан шахрида ўтадиган XIX Осиё ўйинларида спортчиларимизнинг

тайёргарлиги ҳақида сўз борди. Москва ўйинлари учун жамоани саралаб олишда апрел ойида Фарғонада 8-11 синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари»нинг финал босқичи муҳим ўрин тутиб табиий. Зеро, ушбу ўйинлар дастури ҳам Москвадаги мусобақаларга мос келади.

Спортчиларимизнинг мақсади Пусан шахрида ўтадиган Осиё ўйинларида кучли бешликдан ўрин эгаллашдир. Бунда 25 спорт тури бўйича голиблар танлаб олинади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг ўн йиллик тантаналарини кишичи олимпиададан сўнг, Наврўзда нишонлаш кўзда тутилмоқда. Нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар деб умид қиламиз. Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТКАШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги Замоनावий санъат марказида «Ўзбекистон фоторасураткашлари - 2002» деб номланган кўрғазма ҳамда «Тошкент фото ўй»нинг тақдироти ўтказилди. — Мазкур тадбир юртимизда илк бор ўтказилмоқда, — деди фоторасом Умида Аҳмедова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Фотокўрғазмага республикамизда яшовчи ўн етти нафар сураткашнинг 150 дан ортиқ ишлари кўйилган. Воқеликнинг энг жозибали лаҳзасини фотокўзгу орқали томошабинларга тақдим этиш ҳар қандай ижодкорнинг қўлидан келавермайди. Юртимизнинг тарихий обидалари, табиат гўзаллиги, ҳайвотот олами ҳамда мамлакатимизда ўтказилган нуфузли спорт мусобақаларини акс эттирувчи суратлар томошабинларни асло лоқайд қолдирмайди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00

Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.